

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 20 июнь, № 119 (5793) Пайшанба


# ИСЛОҲОТЛАР ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ, ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотларнинг бориши, бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида 19 июнь куни Жиззах ва Сирдарё вилоятларига ташриф буюрди.**



Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Жиззах вилоятида ҳам барқарор ўсиш суръатлари таъминланиб, улкан ютуқ ва муваффақиятлар қўлга киритилмоқда. Бунинг тасдиғини вилоят меҳнаткашлари эришаётган салмоқли натижалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиши 9,7 фоизни, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 9,3, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 5,9, қурилиш ишлари 11,6, пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми 10,7 фоизни ташкил қилди. Вилоятни 2013 — 2015 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган дастурга асосан, 2061 лойиҳани, шу жумладан, 2013 йилда 1381 лойиҳани амалга ошириш белгиланган.

Саноат соҳасини ривожлантириш мақсадида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар самарасида 2013 йилнинг биринчи чорагида Жиззах шаҳрида "Жиззах Тоштепа текс" тўқимачилик корхонаси, оҳак ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Жиззах тоғ-кон кимё" корхонаси, Ғаллаорол туманида қурилиш қуми ва шағал ишлаб чиқарадиган корхона, Зафаробод туманида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган "Фаворит линес" корхонаси, Жиззах туманидаги "Жиззах чорва барака" фермер хўжалигида сутни қайта ишлаш линияси ишга туширилди.

Жиззах шаҳрида ташкил этилган "Жиззах пластекс" Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси вилоятда енгил саноатни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларга яққол мисолдир.

Давлатимиз раҳбари вилоятга сафарини мазкур корхона билан танишишдан бошлади.

Замонавий технологиялар билан жиҳозланган ушбу фабрика мамлакатимизда енгил саноатни изчил тараққий эттириш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ишларнинг яна бир амалий натижасидир, деди Ислом Каримов. Собиқ тузум даврида пахта хом ашёси минг азоб ва қийинчиликлар билан етиштирилса-да, уни юртимизда қайта ишлаш масаласига эътибор берилмаган. Аксинча бошқа ўлкаларга ташиб кетилган. Мустақилликка эришганимиздан кейин пахтани ўзимизда қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратдик. Агар мустақиллигимизнинг илк йилларида пахта толасининг 10-12 фоизи мамлакатимизда қайта ишланган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 30 фоиздан ошди.

Давлатимиз раҳбари енгил саноатни ривожлантириш орқали пахта толасини қайта ишлаш кўрсаткичларини мунтазам равишда кенгайтириш масаласининг аҳамиятига атрофлича тўхталди. Бу қўшимча даромад топишнинг самарали манбаи, аҳолини иш билан таъминлашдек долзарб масалани ҳал қилишнинг муҳим воситаси эканини алоҳида қайд этди.

Мисол учун, бир долларлик пахта толаси қайта ишланиб, калава ипга айлантирилганда, яримтайёр маҳсулот бўлиб, ундан 4-5 доллар, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилганда эса 10-12 доллар фойда олиш мумкин. Яна бир аҳамиятли томони — енгил саноат ишчи кучини энг кўп талаб қиладиган тармоқлардан бирндир.

Ислом Каримов мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, шу жумладан, юксак сифатли пахта хом ашёси етиштириладиган Жиззах вилоятида толани қайта ишлайдиган ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган замонавий корхоналарни кўпроқ ташкил қилиш, бундай корхоналарда ҳаётга катта умидлар билан кириб келаётган ёшларимиз бандлигини таъминлаш ғоят муҳим вазифа эканлигини таъкидлади.

"Жиззах пластекс" корхонасининг биринчи навбати ишга туширилиши билан йилига 12 минг тонна пахта толаси қайта ишланади, 8,5 минг тонна калава ип, 4 минг тонна трикотаж мато ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Иккинчи босқичда — 2014 йилда корхонада ишлаб чиқарилаётган яримтайёр маҳсулотдан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Бу билан тўрт минг тонна трикотаж матони бўяш ва унга ишлов бериш, 6 миллион дона тайёр кийим-кечак маҳсулотлари тайёрлаш имконияти яратилади.

Корхона ишга тушгач бу ерда 1750 нафар киши иш билан таъминланади. Бугунги кунгача вилоятдаги касб-ҳунар коллежларини тамомлаган 370 нафар ёш мутахассис билан меҳнат шартномалари тузилди.

Президентимиз корхонада мураккаб дастгоҳларни созлаш ишларини бажараётган Хушнуд Аширматов, Ҳасан Худойбердиев каби ёш мутахассислар билан суҳбат асносида бугунги кунда ўзбек ёшлари ақл-заковат, иқтидор ва қобилият, интилиш ва ташаббус бобида хорижда ҳам кўпчиликнинг ҳавасини тортаётганини қайд этди.

— Ўзбек ёшлари ўзининг зукколиги ва тиришқоқлиги билан мени ҳайратга солди, — деди давлатимиз раҳбари билан суҳбатда Германиянинг Шлафхорст компанияси менежери Оспар Илтнер. — Ёш монтажчи-созловчилар келтирилган замонавий технологияларни ўрнатишни қисқа вақт ичида ўзлаштириб олди.

— Мамлакатимизда ёшларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаши, ўз иқтидори ва салоҳиятини рўёбга чиқариши учун барча шароитлар яратиб берилган, — деди Хушнуд Аширматов. — Мана бу замонавий корхона ҳам ана шу эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир амалий намунасидир. Фабрикада замонавий технологияларнинг ўзлаштирилиши ҳисобига ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг юқори энергия тежамкорлиги, экологик тозалиги ва рақобатбардошлиги таъминланади. Бундай эътиборга жавобан Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида ёниб яшаш бизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар натижасида шаҳар ва қишлоқларимиз замонавий кўринишга эга бўлмоқда. Буни Самарқанд, Бухоро, Андижон, Наманган, Фарғона, Қўқон, Марғилон, Термиз, Қарши, Урганч каби кўплаб шаҳарларимизнинг бугунги жамоли ва таровати мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Жиззах ҳам ана шу шаҳарларимиз қаторидан ўзига лойиқ ва муносиб ўринни эгаллаши керак. Иқтисодий соҳада эришаётган улкан ютуқларимиз билан бирга, маънавиятни юксалтиришга ҳам эътиборни янада кучайтиришимиз лозим. Шаҳарларни ҳар томонлама ривожлантириш, саноатнинг турли тармоқларини тараққий эттириш орқали одамларнинг ҳаёт сифатини ошириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари билан юртдошларимизнинг кайфиятини, ғурурини янада юксалтирмоғимиз даркор.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир шаҳарнинг бош режаси устида ишлашда узоқ истиқболни ўйлаб иш юритиш лозимлигини таъкидлади. Шаҳарда айланма ҳалқа йўлини барпо этиш, кўп тасмали магистраль йўлларни қуриш, коммуникацияларни ривожлантириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш, замонавий бино ва иншоотларни барпо этиш юзасидан тегишли тавсия ва кўрсатмалар берди.

— Пойтахтимиз Тошкент ва бошқа шаҳарларимиз тажрибасидан келиб чиқиб, Жиззах шаҳрининг маданий марказини яратишимиз лозим, — деди Ислом Каримов. — Бундай марказ, аввалambор, аҳолининг мазмунли ҳордиқ чиқаришига, ҳаётдан завқ олиб яшашига хизмат қилади. Шаҳарда каштан, эман, япон софораси каби ҳудуднинг табиий-иқлим шароитига мос манзарали дарахтлар экилган хиёбонлар ва яшил ҳудудларни барпо этиш ҳам муҳим вазифалардан. Бундай кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишлари одамларимизнинг дунёқарашини ўзгартиришда, уларнинг янги-янги марралар сари интилиб яшашида муҳим аҳамият касб этади.

Юртбошимиз Пахтакор туманидаги "Жавлонбек" фермер хўжалиги далаларида бўлиб, фермерлар ва вилоят фаоллари билан суҳбатлашди.

Шу кунларда Жиззах вилоятида ҳам ғалла ўрим-йиғими қизғин давом этмоқда. Вилоятда жорий йилда 110 минг гектар суғориладиган, 70 минг гектар лалми майдонда ғалла етиштирилди, 101 минг 800 гектар майдонда ғўза парваришланмоқда. Жиззахлик фермерлар 312 минг 460 тонна дон етиштиришни режалаштиришган.

Эркин Кенжаев раҳбарлик қилаётган "Жавлонбек" фермер хўжалиги аъзолари 95,5 гектар майдонда пахта ва ғалла етиштираётир.

Юртбошимиз фермер ва қишлоқ хўжалиги мутахассислари билан мулоқот чоғида ғалла ҳосилини қисқа фурсатларда йиғиштириб олиш, июль ойининг одатдагидан иссиқ келиши мумкинлигини ҳисобга олиб, ғўзани иссиқ уришдан асраш чораларини кўриш кераклигини алоҳида таъкидлади.

Ислом Каримов фермернинг мулкдор сифатида ўз оиласи, маҳалласи, қишлоғидаги ҳаёт тарзи янада фаровонлашиши, юртнинг бундан ҳам обод бўлишидаги иштироки муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

— Ҳозирги давр фермерлари нафақат деҳқончилик сирларини пухта билиши, айни пайтда у иқтисодчи, ҳисобчи, селекционер, бизнесмен ҳам бўлиши даркор. Бошқача айтганда, бугунги ҳаёт олдимизга қўяётган янги вазифаларни яхши билиши, одамларнинг, айниқса, қишлоқ аҳлининг турмуш даражасини янада яхшилаш, маънавиятини юксалтириш, хусусан, ёшларимизга ҳар томонлама ғамхўрлик ва эътибор кўрсатишда фаол бўлиши зарур, — деди Президентимиз. — Бунинг учун етиштирилган маҳсулотни қайта ишлашни ҳам йўлга қўйиш, жойларда кичик корхоналар ташкил этиш керак.

Мамлакатимиз раҳбари "Жиззах" махсус индустриал зонасини барпо этиш юзасидан қабул қилинган Фармон ва мазкур ҳужжат ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар халқимиз фаровонлигини янада оширишга қаратилганини, хорижий сармоядорлар билан амалга оширилаётган кўплаб лойиҳалар иқтисодиётимизни ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини юксалтиришда янги имкониятлар яратишини қайд этди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Жиззах туманидаги "Қуёшсевар Парда" фермер хўжалиги раҳбари Парда Зиётов, вилоят фермерлар кенгаши раиси Анорбой Эшматов, "Жиззах овози" газетаси бош муҳаррири Акрам Иномов, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раиси Азамат Дархонов ва бошқалар фермерлик ҳаракати ташкилий, техник ва молиявий жиҳатдан изчил такомиллашиб бораётгани, фермерларнинг даромади йилдан-йилга ортиб, бундай юксалишларнинг барчаси Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришларнинг самараси эканини таъкидладилар. Мамлакатимиз тараққиёти, юртимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш, Ватанимиз обрў-эътиборини ҳар томонлама юксалтиришдек ишларга раҳнамолик қилаётган Юртбошимизга миннатдорлик изҳор этдилар.

Президентимиз Ислом Каримов шу куни Сирдарё вилоятига келди.

Халқимиз эришаётган бетимсол ютуқларда Сирдарё вилояти меҳнат аҳлининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор.

Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, барпо этилаётган кўркам уй-жойлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, замонавий корхоналар, кенг ва равон йўллар, боғу хиёбонлар вилоят қиёфасини бутунлай ўзгартириб, аҳоли фаровонлигининг, онги ва тафаккурининг юксалишига хизмат қилмоқда.

Вилоятда жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиши 9,5 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, пуллик хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқларда ҳам барқарор ўсиш таъминланди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг изчил ривожланиши натижасида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотида кичик бизнес субъектларининг улуши 53,5 фоизни ташкил этди. Қулай ишбилармонлик муҳити яратилгани, тадбиркорларга кўплаб имтиёз ва преференциялар берилаётгани самарасида жорий йилнинг биринчи чорагида 181 кичик бизнес субъекти, жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 57 янги корхона ташкил этилди.

Бу йил вилоятда қарийб 90 минг гектар майдонда бошоқли дон экинлари етиштирилди.

Ислом Каримов Оқолтин туманидаги "Авазбек Умаров" фермер хўжалиги даласида бўлиб, фермерлар билан суҳбатлашди.

Ғаллачилик ва пахтачиликда муҳим бўлган кунларда деҳқонларимизга ҳорманг, дейиш, уларга куч-қувват тилаш менга катта мамнуният бағишлайди, деди давлатимиз раҳбари. Сиз каби инсонларнинг фидойилиги билан мамлакатимиз улкан ютуқларга эришмоқда.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган бир шароитда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръати 8,2 фоизни ташкил этмоқда. Бундай барқарор ривожланишнинг асосий омили мустақилликнинг биринчи кунларидан "Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун" деган қоидани асос қилиб олганимиз, юртимизнинг юксак иқтисодий-ижтимоий салоҳиятидан оқилона фойдаланаётганимиз, ўзимиз белгилаб олган тараққиёт йўли — "ўзбек модели"ни тадрижий амалга ошираётганимиздир.

Халқимиз ўтган даврда турли синов ва қийинчиликларни матонат билан енгиб ўтди. Мустақилликка эришиш арафасида ва истиқлолнинг дастлабки йилларида Президентимиз ташаббуси билан аҳолига томорқа учун ерлар ажратилгани, Ўзбекистон бўйича 700 минг гектар суғориладиган ер томорқа сифатида берилгани қишлоқларимиздаги кўплаб ижтимоий муаммоларни ечиш, аҳоли фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Бугун халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши тамомила ўзгарган. Одамларнинг, айниқса, ёшларимизнинг ҳаётга, меҳнатга муносабати, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юксалиб бормоқда, деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда фермерлик ҳаракатининг аҳамияти катта эканини алоҳида таъкидлади. Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрда қабул қилинган "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, фермерлар кенгашлари ташкил этилгани соҳа самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Ҳаммамизга маълумки, совет тузуми даврида хусусий мулк бўлмаган. Биз собиқ совет тузумининг асоратларидан фермерларга ер ажратиб, уларда мулкдорлик ҳиссини шакллантириш орқали халос бўла бошладик. Бугун фермерлар — мамлакатимизнинг устунига айланди. Устун эса таянч демакдир, деди Юртбошимиз. Лекин фақат деҳқончилик ва чорвачилик билан фаровонликка эришиб бўлмайди. Фермерларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш лозим. Чунки фермерлик ҳаракати иқтисодиётимизни ривожлантиришга, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини оширишга хизмат қиладиган қудратли кучдир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Жиззах ва Сирдарё вилоятларига сафари давомидаги учрашув ва мулоқотлар мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини ва Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилаётганини яққол кўрсатди.

**О. ТЎРАҚУЛОВ,**
**А. САМАДОВ,**
**Т. БЕКНАЗАРОВ,**
**А. МУСТАФОҚУЛОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**

А. АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

*Андижон туманидаги “Plast Servis And” хусусий корхонасида “Lacetti”, “Nexia”, “Spark”, “Matiz” русумидаги автомобиллар учун 26 турдаги бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилмоқда.*

### Янги қувват, юқори сифат

— Дастлаб хориждан пластмасса буюмлар тайёрлаш имконини берувчи термопласт дастгоҳлари ҳамда зарур жиҳоз ва хом ашёлар келтириш билан иш бошлаган эдик, — дейди корхона раҳбари Анваржон Нурфайзиев. — Ўшанда жамоамиз уч кишидан иборат эди. Шундан сўнг ўзимиз хўжалик буюмлари тайёрлашни ўзлаштирдик. Кўп ўтмай банкнинг 200 миллион сўмлик кредити эвазига Хитойдан 3 та термопласт дастгоҳи келтирдик. Янги қувватлар ишга туширилгач, маҳсулотларимиз сифати янада яхшиланди. “Ўз Тонг Хонг ко”, “Ўз Корам ко”, “Ўз Донг Янг ко” сингари қатор корхоналар билан ҳамкорлик ўрнатилди. Яқиндан бошлаб эса “Lacetti” автомобиллари учун сачрашга қарши мослама ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйдик.

Жамоа жорий йилнинг дастлабки чорагида буюртмачиларга 200 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот етказиб берди.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Ёшлар бошқаради

*Тўрткўл туманидаги “Тўрткўл махсус тайёрлов” масъулияти чекланган жамияти қошида полиэтилен қоплар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.*

Йилига 1 миллион дона маҳсулот тайёрлашга мўлжалланган мазкур тармоқ банкнинг 74 миллион сўмлик кредити ҳисобига ишга туширилди. Айни пайтда корхонадаги илғор ускуналар касб-ҳунар коллежларини тамомлаган ёшлар томонидан бошқарилмоқда.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Лойиҳа ўзини оқлади

*Хонқа тумани марказида тадбиркор Ғайрат Қозоқов ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан сутни қайта ишлашга ихтисослаштирилган “Амирхон-Беҳрузбек” хусусий корхонаси иш бошлади. 10 кишилик жамоа ҳудуддаги буюртмачиларга ҳар ойда 5 тоннагача тайёр маҳсулот етказиб бермоқда.*

— Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 240 миллион сўмлик сармоя йўналтирдик, — дейди тадбиркор. — Лойиҳа қисқа фурсатда ўзини оқлайди. Негаки, технологияларимиз замонавий, хом ашё эса ёнимизда. Уни аҳолидан қабул қилиб олаяпмиз. Тадбиркорларга яратилаётган имкониятлар ва имтиёзлар ҳар қандай истиқболли лойиҳани амалга оширишга замин яратади.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Дастурхон файзи

*Норин қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежини озиқ-овқат саноати йўналиши бўйича тамомлаган Сарварбек Хурсаналиев Ҳаққулобод шаҳрида янги ташкил этилган “Иссиқ нон” корхонасида иш бошлади.*

Бу ерда ёш мутахассисга автоматлаштирилган дастгоҳни бошқаришни ишониб топширишди.

“Учқўрғон дон маҳсулотлари” очиқ акциядорлик жамияти томонидан 800 миллион сўмлик инвестиция эвазига корхонага Германиянинг “Вахтел” фирмасида ишлаб чиқарилган технологик линия ўрнатилди. Тўлиқ автоматлаштирилган мазкур дастгоҳлар ёрдамида кунига 3 тонна нон ва нон маҳсулотлари тайёрлаш мумкин.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ТАҚДИМОТ

# «МУСТАҚИЛЛИК БУНЁДКОРЛАРИМИЗ»

*Самарқандда вилоят ҳокимлиги, прокуратура, ҳокимлик ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки вилоят бошқармаси ҳамда вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида “Энг яхши мутахассис” ва “Энг яхши бизнес лойиҳа” тақдимотлари ўтказилди.*



“Обод турмуш йили” Давлат дастури доирасида “Мустақиллик бунёдкорларимиз” шиори остида ташкил этилган мазкур тадбирда 33 та ихтисослик йўналиши бўйича касб-ҳунар коллежларини тамомлаган

**8460** нафар битирувчи уч йил давомида олган билими, малакаси ва касб маҳоратини намойиш қилди.







Алишер ИСРОИЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

Тадбирда таъкидланганидек, 2012/2013 ўқув йилида вилоятдаги 158 та касб-ҳунар коллежини 102 та мутахассислик бўйича 60 минг 794 нафар йигит-қиз тамомламоқда. Ҳозирги кунга қадар уларнинг иш билан таъминланиши учун барча чора-тадбир белгиланган. Хусусан, 46452 нафар йигит-қизнинг ота-онасига фарзандининг кафолатли иш жойига эга бўлиши ҳақида сертификатлар топширилди. 57 минг 971 нафар битирувчи уч томонлама шартномаларга мувофиқ, амалиёт ўташ ва кейинчалик ишга жойлашиш учун вилоятдаги корхона ва ташкилотларга бириктирилди. Икки минг нафардан зиёд бўлажак мутахассис ўз бизнес лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун ҳудуддаги тижорат банклари томонидан 7,1 млрд. сўм миқдорида кредитлар билан таъминланди.

— “Энг яхши мутахассис” ва “Энг яхши бизнес лойиҳа” тақдимотларидан кўзланган мақсад касб-ҳунар коллежларини тугатган йигит-қизларни эгаллаган мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш ҳамда уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилишдан иборат, — дейди вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Муродилла Холмуҳаммедов. — Бугунги тадбирда улар корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, мутахассислар олдида касб маҳоратларини намойиш этишмоқда. Бу иш берувчи учун ҳам, битирувчи учун ҳам ниҳоятда қўл келаётир. Қолаверса, бундай тақдимотлар “Коллеж — битирувчи — корхона” ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, кичик мутахассислик дипломига эга бўлаётган йигит-қизларнинг ҳар бир йўналишдаги тақдимотлари катта қизиқишга сабаб бўлди. Хусусан, ғишт ва кафель териш, сувоқ-бўёқ, электр-монтаж ишлари, ламинатдан мебель ва паркет пол ясаш, пайвандлаш, ёғочга ишлов бериш ҳамда мебель ишлаб чиқариш, сув, газ таъминоти ва канализация тизимларини ўрнатиш, таъмирлаш ва ишлатиш, дурадгорлик бўйича тақдимотларда 1250 нафар битирувчи касб маҳоратини намойиш этди.

“Энг яхши бизнес лойиҳа” тақдимотида 15 та соҳа бўйича ишлар ҳавола қилинди. Шу ернинг ўзида 250 та бизнес лойиҳага кредитлар ажратилиши тўғрисида сертификатлар тақдим этилди.

Самарқанд банк коллежи битирувчиси Нурсалим Умаров ҳам шундай имкониятга эга бўлган ёшлардан бири. У “Полиэтилен маҳсулотларни қайта ишлаб, хом ашё олиш” бизнес лойиҳаси учун “Микрокредитбанк” вилоят бўлими томонидан ажратилган 56 млн. сўм миқдоридаги кредитни қўлга киритди. Иштихон қурилиш ва коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежи битирувчиси Маҳмадиёр Ражабов эса 1м.кв. ҳажмдаги девор ҳамда полга 30 дақиқа ичида сифатли кафель териб, кўпчиликни ҳайратда қолдирди.

— Ҳунарли инсон кам бўлмас экан, — дейди Боғишамол саноат касб-ҳунар коллежи битирувчиси Юсуф Донаев. — Электромонтёрлик бўйича тақдимотда мени синаб кўришиб, бир йўла 3 та — Самарқанд шаҳри, Оқдарё ва Иштихон туманларидаги корхоналар томонидан ишга қабул қилиш юзасидан таклифлар олдим. Энди улардаги меҳнат шароитлари билан яқиндан танишиб, иш бошламоқчиман.

Шунингдек, 500 нафар битирувчи иштирок этган тикув ва тикув-трикотаж буюмларини ишлаб чиқариш техник-технологи йўналиши бўйича Ургут туманидаги Испанза агротадбиркорлик ва сервис касб-ҳунар коллежи битирувчиси Ислом Зоҳидов ҳамда Самарқанд маиший хизмат касб-ҳунар коллежи битирувчиси Фариз Насимов 50 дан ортиқ замонавий либослар моделларини тақдим этиб, экспертлар эътирофига сазовор бўлди.

Худди шундай компьютер қисмларини йиғиш, веб-сайт яратиш, ветеринария, спорт мураббийлиги, меҳмонхона ва ресторан хизмати менежери, ошпазлик, ҳамширалик, мусиқа таълими, ёғоч ўймакорлиги, заргарлик, флористика каби ўнлаб йўналишлар бўйича ўтказилган тақдимотлар ҳам кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

— Тил билган эл билади, дейди халқимиз, — таассуротлари билан ўртоқлашади Сўзангарон тиббиёт коллежи битирувчиси Азиза Ахтамова. — Мен коллежда ҳамширалик ишини пухта ўзлаштириш баробарида, инглиз тилини ҳам қунт билан ўргандим. Бугун тиббий муолажа жараёнидаги тақдимотимни инглиз тилида равон сўзлаб бериб, кўпчиликнинг эътиборини қозондим. Шу сабабли ишга қабул қилиш юзасидан турли таклифлар тушди.

Эътиборлиси, қизғин руҳда ўтган тақдимотлар давомида 8460 нафар иштирокчидан 6345 нафари иш берувчилар билан меҳнат шартномалари имзоладилар. Илғор бизнес-лойиҳа муаллифларига эса кредит ажратиш тўғрисида сертификатлар ҳамда танловларда ғолибликни қўлга киритган 165 нафар битирувчига қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тадбирда Самарқанд вилояти ҳокими З. Мирзаев иштирок этди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## САРҲИСОБ

*“Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми” Республика жамоатчилик кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Форумнинг май-июнь ойларидаги фаолияти атрофлича таҳлил қилинди ҳамда истиқболдаги устувор вазифалар белгилаб олинди.*

# Жамоатчилик кенгаши йиғилиши

Эътироф этилганидек, юртимизда нодавлат нотижорат ташкилотларининг эркин фаолият юритишлари учун зарур шарт-шароит ҳамда ҳуқуқий асослар яратилган. Бу, ўз навбатида, уларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнида фаол қатнашиши учун замин яратмоқда. Буни “Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми” томонидан “Обод турмуш йили” Давлат дастури доирасида оилаларни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш, ёшларни баркамол инсон сифатида вояга етказиш, уларнинг ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, илғор лойиҳаларини ҳаётга кенг жорий этишга яқиндан кўмаклашиш борасида олиб борилаётган ишлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Шунингдек, мазкур жамоат ташкилотининг Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ахборот марказлари саъй-ҳаракати билан кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари умумий қиймати қарийб 6 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар олишга муваффақ бўлди. Натижада 1100 нафарга яқин юртдошимизнинг бандлиги таъминланди.

Тадбирда “Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми”нинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги Кенгашлари фаолияти ҳам таҳлил қилиб чиқилди.

**Ш. ХОЛТЎРАЕВ.**

# Қонун ижодкорлиги ва масъулият

*Маълумки, мамлакатимизда идоравий қонун ижодкорлиги жараёни тобора такомиллашмоқда. Бу борада Адлия вазирлигининг алоҳида ўрни бор. Зеро, бундай ҳужжатлар нормалари Конституция ва қонунларимизга, республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлар мақсад ва вазифаларига, қонунчилик техникасига мувофиқлигини текшириш, вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идораларининг ушбу ҳужжатларни манфаатдор шахсларга етказиш тартиби бўйича фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш мазкур вазирлик зиммасига юклатилган.*

## АНЖУМАН

Айни чоғда тегишли идораларга ўн кун муддат ичида бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш, рўйхатдан ўтмаган ҳужжатларни бекор қилиш ҳамда айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш ҳуқуқи берилган. Президентимизнинг 2011 йил 23 августдаги қарори билан унинг идоравий қонун ижодкорлиги йўналишидаги вазифалари кўлами янада кенгайтирилди.

Адлия вазирлиги томонидан ўтказилган анжуманда идоравий қонун ижодкорлиги жараёни атрофлича таҳлил қилинди. Хусусан, янги таҳрирдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонун вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг қонун ижодкорлиги соҳасидаги масъулиятини оширишда муҳим аҳамият касб этиши ҳамда унда мансабдор шахсларнинг давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалиётга киритганлиги учун маъмурий жавобгарлик белгиланганлиги иштирокчилар томонидан алоҳида эътироф этилди.

Қонун ижодкорлиги жараёнида услубий ёрдам кўрсатиш ҳам мазкур вазирлик вазифаларидандир. Шундан келиб чиқиб, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилиш қоидалари ишлаб чиқилиб, амалиётга кенг татбиқ этилмоқда. Эътиборлиси, бу қоидаларда вазирлик ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш бўйича ваколатлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжат шакли ва амал қилиш муддати, лойиҳаларни тайёрлашни уюштириш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, ҳужжатларни ўз кучини йўқотган, деб топиш, уни расмийлаштириш, келишиш, қабул қилиш, ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этиш, уларнинг кучга кириши, ҳужжатга расмий шарҳ бериш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш, уларни эълон қилиш ва барча манфаатдор шахслар эътиборига етказишга оид тартиб-таомиллар аниқ белгилаб берилган.

Анжуманда айрим ҳолларда идоравий ҳужжатлар ижодкорлиги билан боғлиқ камчиликлар учраётгани хусусида ҳам сўз юритилди. Масалан, Адлия вазирлигига тақдим этилган баъзи лойиҳаларда қонунлар нормаларига зид бўлган қоидалар мавжудлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини тегишли вазирлик ва идоралар билан келишиш қоидаларига тўла амал қилинмаганлиги натижасида бундай ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш рад қилинмоқда. Бунинг олдини олиш мақсадида вазирлик ва идоралардаги юридик хизматлар фаолиятини такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби, уларни қўллашда субъективликнинг олдини олиш, қонунчилик техникаси, бундай ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш услуби, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби бўйича берилган маълумотлар ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Якунда муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ТАДБИР

*Ҳар бир мамлакат ривожи бой табиий захира ва уни қазиб олиш ишларига ҳам бевосита боғлиқ. Яъни қайси давлат қазилма бойликлардан оқилона фойдаланса, унинг иқтисодиёти тобора барқарорлашиб бораверади.*

# Табиий захиралар

**Ундан оқилона фойдаланиш тараққиётни белгиловчи муҳим омиллардан биридир.**

Эътиборлиси, Ўзбекистон ана шундай мамлакатлар сирасига киради. Айни пайтда юртимиз заминида 1717 та кон мавжудлиги, айниқса, кейинги йилларда захираларни аниқлаш ва қазиб олиш бўйича самарали ишлар олиб борилаётгани шундан далолат беради. Аммо айтиш жоизки, қазилма бойликларни аниқлаш, сақлаш ва қазиб олишнинг ҳам ўзига хос тартиб-қоидалари мавжуд.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ташкил этилган матбуот анжумани шу масалага бағишланди.

Таъкидландики, республикамизда хорижий ва маҳаллий сармоядорлар учун фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан излаш, чамалаш ва уларни қазиб олиш имконини берувчи меъёрий-ҳуқуқий база яратилган. Ушбу йўналишдаги ишлар “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни доирасида амалга оширилади.

Ер ости участкасидан фойдаланиш ҳуқуқига оид лицензия эса геологик жиҳатдан ўрганиш, тажриба-саноат йўсинида фойдали қазилмаларни қазиб олиш, техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш, фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш каби фаолият турлари учун берилади.

Мамлакатимизда 2011 — 2013 йиллар давомида таркибида номаъдан фойдали қазилмалар мавжуд бўлган 546 та ер қаъри участкаси очиқ савдога қўйилган бўлса, шундан 326 тасига очиқ савдоларда иштирок этиш учун буюртмалар берилган. Илгари берилган лицензияларни узайтиришга оид эса 180 та буюртма олинган.

Матбуот анжуманида мутахассислар юртимизда бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот бериб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ер ости участкаларидан фойдаланиш тартиб-қоидаларига ҳам батафсил тўхталдилар.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Чортоқнинг шифобахш суви

*"Чортоқ" сиҳатгоҳи минералларга бой шифобахш суви билан машҳур. Экологик тоза, турли хасталикларни даволашда фойдали бўлган мазкур сувни ҳозирги кунга қадар фақат шу масканнинг ўзидагина истеъмол қилиш мумкин эди.*

ЯХШИ ХАБАР

Яқинда сиҳатгоҳ ҳудудида жойлашган "Чортоқ маъданли суви" масъулияти чекланган жамияти модернизация қилингач, ушбу неъмат қадоқланган ҳолда чиқарила бошланди. Бунинг учун 180 миллион сўм инвестиция ҳисобига хориждан илғор дастгоҳлар олиб келиб ўрнатилди. Натижада корхонада йилига 500 минг дона маъданли ичимлик суви тайёрлаш имконияти юзага келди. Эътиборлиси, янги лойиҳа шарофати билан 18 кишининг бандлиги таъминланди. Айни пайтда "Чортоқ шифобахш суви" ёрлиғи остида икки хил ҳажмдаги идишларга қадоқланган обиҳаётнинг дастлабки туркуми савдо дўконларига етказиб берилди.

**Н. ҚУДРАТОВ.**

НАБОТОТ

*Ниҳол қадаб, боғ яратиш, ўрмонзорларни кенгайтириш ғоятда савобли амаллардан саналади. Нега деганда, дарахтлар атмосферани соф ҳаво билан таъминлабгина қолмай, балки инсон ва атроф-муҳит муҳофазасини мувофиқлаштириш, турли кўринишдаги табиий офатларнинг олдини олишда мустаҳкам қалқон вазифасини ўтайди.*



# Яшил ҳудудлар

**нафақат мусаффолик кафолати, балки табиий муҳофаза ҳамдир**

Иш юзасидан Фавқулодда вазиятлар вазирлиги мутахассислари билан республикамизнинг турли вилоятларида тез-тез хизмат сафарида бўламиз. Сел ва сув тошқинлари, ер ва қор кўчкилари рўй бериши эҳтимоли мавжуд жойларни кўздан кечириб, амин бўлдикки, дарахт кўп экилган ҳудудларда бундай ҳодисалар камдан-кам ҳолларда рўй берар экан. Чунки дов-дарахтларнинг чайир илдизлари тупроқ кўчкисини тутиб турса, уларнинг бақувват танаси қор силжишига йўл қўймайди.

Бир мисол. Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманидаги Лангар қишлоғида 22 млн. куб метр ҳажмда катта ер кўчкиси содир бўлган эди. Маълум бўлишича, бу ерда тупроқни тутиб турувчи бирорта ҳам дарахт йўқ экан.

Тўғри, кўчки ҳодисаси фақатгина шу жиҳат билангина кузатиладиган жараён эмас, у тупроқнинг таркибига ҳам боғлиқ. Аммо дарахтлар табиий офатларнинг яшил қалқони сифатида унинг оқибатида келиб чиқадиган зарарларни камайтириши муқаррар.

Маълумки, қиш чилласида изғирин ва бўронлар рўй берганда, совуқ таъсири кучаяди. Бундай пайтда йўлларни, айниқса, дарахтсиз, яйдоқ жойлардаги йўлларни қор уюмлари тўсиб қолиши мумкин. Йўл четларида дарахт қуюқ экилган жойларда эса бундай хавф деярли кузатилмайди.

Эсингизда бўлса, бундан беш-олти йил бурун май ойида "Самарқанд — Китоб" автомобиль йўлининг 52-километрида ўртача ҳажмда (7200 куб. метр) рўй берган ер кўчиши ҳодисаси автоуловлар ҳаракатини тўхтатиб, унинг четидаги 15 та ҳимоя тўсиқ (бордюр)ни пастлик томон суриб юборган эди. Хайрият, табиий офат чоғида бирорта йўловчи ёки машина бу йўлдан тасодифан ўтиб қолмаган. Воқеа жойи кузатилганда, кўчки қирнинг дарахт бўлмаган қисмида юзага келганлиги ойдинлашди.

Дарахтларнинг яна бир ажойиб хусусияти шундаки, улар чўл ва саҳроларда экиб парваришланганда томирлари орқали ер қобиғидан сувни ўзига тортиб олиб, тупроқ эрозиясига ижобий таъсир кўрсатади. Шундай экан, ўрмонзорлар қанчалик кенгайиб, дарахтлар билан қуюқ қопланса, атмосфера шунчалик мусаффолашиб, табиий кўринишдаги турли офатлар сони ҳам тобора қисқариб бораверади.

Қишлоқ жойларига қараганда, аҳоли нисбатан зич бўлган шаҳарлар экологияси анча номутаносиб. Хусусан, пойтахтимизда аҳоли сонининг муттасил ортиб бориши, автоуловлар сони йилдан-йилга кўпайиши шаҳар экологиясига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Мутахассисларнинг фикрига кўра, юз литр бензин ёқилганда — бир нафар кишининг йил давомида оладиган кислородини "хўп"лаб қўяр экан. Демак, шаҳарларда яшил ҳудудларни кўпайтириш, мевали ва манзарали дарахтларни экиш ҳар томонлама фойдалидир. Бу орқали наинки атроф-муҳит биосферасини, балки ўзимизнинг ҳам саломатлигимизни муҳофаза этган бўламиз.

**Азамат СУЮНОВ,**
**журналист.**

*Айни пайтда юртимизда минглаб ўғил-қизлар жорий ўқув йилини тамомлаб, сўлим ва хушманзара оромгоҳларда ёзги таътилни мароқли ўтказмоқдалар.*

ЁЗ — 2013

# Таътил мароқли ўтади

Хусусан, Тошкент вилоятидаги шундай муассасаларда ёз мавсумида 27 минг 200 нафар ўсмирни соғломлаштириш режалаштирилган. Бунинг учун вилоятдаги мавжуд оромгоҳларда кенг кўламли ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари якунига етказилди. Биргина шу мақсадлар учун вилоят бўйича 3 миллиард 200 миллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилгани ҳам эртамиз давомчиларига бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин нишонасидир.

Куни кеча Бўстонлиқ туманидаги "Меҳрибонлик" соғломлаштириш оромгоҳида ҳам ўқувчиларнинг ҳордиқ чиқариш мавсуми бошланди. Бухоро, Навоий, Самарқанд, Тошкент вилоятлари ҳамда пойтахтимиздаги махсус таълим муассасаларининг 260 нафар тарбияланувчиси дам олиш масканининг жорий мавсумдаги илк меҳмонлари бўлишди.

Оромгоҳда мавсум бошланишига бағишлаб ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, "Sen yolg'iz emassan" Республика жамоатчилик болалар жамғармаси вакиллари, педагоглар ҳамда ўқувчи ёшлар қатнашди.

Таъкидлаш лозимки, ўқувчиларнинг мароқли дам олишлари учун оромгоҳда барча шарт-шароит яратилган. Янгидан таъмирланган маънавият ва маърифат хонаси, спорт майдончаси, сузиш ҳавзаси, кинотеатр, дам олиш, тиббиёт хоналари, шунингдек, ўқувчиларнинг мактабда олган билимларини мустаҳкамлаш ва интеллектуал салоҳиятини оширишга кўмаклашувчи ўндан ортиқ тўгараклар мавсум давомида болажонлар хизматида бўлади.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

***Испаниянинг Мадрид ва Аликанте шаҳарлари ўртасида юқори тезликда ҳаракатланувчи янги поездлар қатнови йўлга қўйилди.***

## Тезюрар поездлар қатнови



Ушбу лойиҳа маҳаллий "Renfe" темир йўл компанияси томонидан амалга оширилди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, Мадрид ва Аликанте ўртасидаги масофа 360 километрга тенг бўлиб, олдин бу йўлни босиб ўтиш учун 3 соату 10 дақиқа вақт сарфланарди. Янги тезюрар поезд орқали эса Аликантега 2 соату 20 дақиқада етиб бориш мумкин.

Шундай қилиб, Аликанте Испаниянинг юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар қатнови йўлга қўйилган ўттизинчи шаҳри бўлди.

## Савдода пасайиш

***Ўтган ойда Европа Иттифоқига кирувчи мамлакатларда янги автомобиллар савдоси 2012 йилнинг май ойига нисбатан 5,9 фоизга тушиб кетди.***



Бу даврда бир миллион 42 минг 742 дона машина сотилган. Экспертларнинг фикрича, "Кўҳна қитъа" автомобиль бозорида 1993 йилнинг майидан бери бундай паст кўрсаткич қайд этилмаган.

Автомобиллар савдоси Германияда 9,9, Францияда 10,4, Италияда 8, Испанияда эса 2,6 фоизга пасайган.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, жорий йилнинг март ойида Европада бу борадаги пасайиш 10,2 фоизни ташкил қилганди.

## Аёллар ҳарбий хизматга чақирилади

***Норвегия аёллари келгусида тинч вақтда мажбурий ҳарбий хизматни ўташ учун чақирилади.***

Бу ҳақда "France Presse" ахборот агентлиги хабар тарқатди.

Ҳукуматнинг ушбу ташаббусини парламентдаги деярли барча фракциялар қўллаб-қувватлаган.

Манбага қараганда, мамлакат мудофаа вазирлиги янги чақирувни 2015 йилдан кучга киритишни режалаштирмоқда. Шу тариқа Норвегия тинч вақтда аёлларни армияга чақирадиган Европадаги илк давлат бўлди.

Ўз навбатида, мамлакат мудофаа вазири депутатларнинг бу масалага хайрихоҳлигини "тарихий воқеа" сифатида баҳолаган.

Ҳозир жисмоний ва руҳий синовлардан ўтган норвегиялик эркаклар бир йил давомида армияда хизмат қилишлари керак. Аёллар эса 1976 йилдан бери кўнгилли равишда хизматни ўтаб келаётган эдилар.

## Антиқа қайиқ

***Буюк Британиядаги Беаулиеу дарёси яқинида яшовчи Стефен Тюрнер янгича кўринишдаги қайиқ яратди.***



Бунда унга "PAD sudio" ва "The SPUD group " компаниялари яқиндан ёрдам берган.

Айтиш жоизки, Стефен сувнинг кўтарилиши ва унга доир математик интегралларни ҳисоблаш билан шуғулланиб келади. Шу боис бутун умрини дарё бўйида ўтказган.

Шакли тухумсимон бўлган ушбу қайиққа "Exbury egg" (Тухум қайиқ) номи берилди.

Қайиқнинг ички қисми замонавий тарзда жиҳозланган. Хусусан, унинг ичкарисида тебранма ётоқ, мустаҳкам стол ва печ мавжуд. Тепасида ўрнатилган қуёш батареяси орқали ноутбук, фотоаппарат ёки мобиль телефонни қувватлантириш мумкин.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***


**Реклама ва эълонлар**

*Корхона ва ташкилотлар диққатига!*

**«KOR-UNG INVESTMENT» МЧЖ ҚК**

**Жиззах вилояти, Жиззах тумани, «Оқ олтин» ҚФЙ ва Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Х. Мақсудов кўчаси, 3-уй ҳудудларида автомобилларга сиқилган газ тўлдириш шохобчаси қуриш учун лойиҳалаштириш ишларини амалга оширишга танлов эълон қилади.**

***Танловда шу соҳада тажрибаси ва лицензияси бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.***

**Таклифлар 2013 йил 4 июлгача қабул қилинади.**

**Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 6-уй. Танлов шартлари бўйича қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (8-371) 150-06-30, 150-06-34. Факс: (8-371) 150-06-24.**

994-1А/582

*Companies and enterprises!*

**JV «KOR-UNG INVESTMENT» LLC**

**announce the competitive selection of organizations and enterprise who has an appropriate license and experience in the design of the object «Compressed natural gas filling station (CNG) in «Oq-oltin» Jizakh district Jizakh region and city of Chirchik of Tashkent region.**

***The proposals should be submitted until 04th of July 2013.***

**By address Tashkent city, str. Bukhara # 6 Post code: 100047. For additional information about the conditions of competition you can contact by phone: 150-06-30, 150-06-34, fax: 150-06-24.**

994-2А/582

**«Universal Auktsion Invest» МЧЖ Фарғона вилояти филиали**

**очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

2013 йил 22 июль куни соат 10.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

Марғилон шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Фарғона шаҳар судининг 2012 йил 9 апрелдаги 1-151/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳри, Ёрмозор кўчаси, 1-уйда жойлашган жарима майдончасида сақланаётган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган «Lacetti» русумли, ранги оқ, давлат рақами 40 J 040 CA.

***Бошланғич баҳоси — 36 000 000 сўм.***

Фарғона шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Фарғона шаҳар судининг 2013 йил 12 мартдаги 1-175/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳар «Фарғона Эркин савдо» х/к ва «Фарғона терминал савдо» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган:

● 1980 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ-2106» русумли, ранги оқ, давлат рақами 15 K 1013.

***Бошланғич баҳоси — 5 545 641 сўм.***

●1998 йилда ишлаб чиқарилган, «Tico» русумли, ранги кўк, давлат рақами 15 U 3640.

***Бошланғич баҳоси — 8 287 426 сўм.***

● 1980 йилда ишлаб чиқарилган, «ЗИЛ-130» русумли, ранги кўк, давлат рақами 15 L 6151.

***Бошланғич баҳоси — 20 097 363 сўм.***

ЖИБ Фарғона шаҳар судининг 2012 йил 27 февралдаги 1-110/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳри, Аҳмад Яссавий кўчаси, 44-«А» уй, 18-хонадонда сақланаётган, 2000 йилда ишлаб чиқарилган, «Tico» русумли, ранги қизил, давлат рақами 17 P 8771.

***Бошланғич баҳоси — 5 227 200 сўм.***

ЖИБ Фарғона тумани судининг 2012 йил 18 октябрдаги 1-264-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ-2106» русумли, кулранг тусли, давлат рақами 40 L 964 EA.

***Бошланғич баҳоси — 4 820 373 сўм.***

ЖИБ Фарғона тумани судининг 2012 йил 19 октябрдаги 1-263-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, «ГАЗ-2401» русумли, кулранг тусли, давлат рақами 40 L 373 BA.

***Бошланғич баҳоси — 2 841 943 сўм.***

ЖИБ Фарғона тумани судининг 2012 йил 17 декабрдаги 1-297-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, «Damas» русумли, ранги кўк, давлат рақами 15 J 3694.

***Бошланғич баҳоси — 12 714 733 сўм.***

ЖИБ Фарғона тумани судининг 2012 йил 22 декабрдаги 1-371-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1974 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ-2103» русумли, ранги оқ, давлат рақами 15 B 3783.

***Бошланғич баҳоси — 3 124 746 сўм.***

Автотранспорт воситалари ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, уларни сотиш бўйича такрорий савдо 2013 йил 6 август куни бўлиб ўтади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2013 йил 19 июль куни соат 10.00 да тўхтатилади.

2013 йил 5 июль куни соат 10.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Фарғона шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2010 йил 20 апрелдаги 15-09-07/955-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳар ИИБ ЙҲХБда сақланаётган, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, «MERCEDES-BENZ» русумли, сиёҳранг тусли, давлат рақами 15 AA 001 бўлган автобус такроран қўйилади.

***Бошланғич баҳоси — 8 274 190 сўм.***

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2013 йил 3 июль куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 17.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal Auktsion Invest» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг ОАТ «Савдогар» банки Фарғона вилояти бўлими, МФО: 00500, СТИР: 302083379, 20208000204932168003 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, илова қилинган ҳолда, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган бўлиши шарт. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

1001А/870

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Фарғона шаҳри, академик Авлиёхон Муҳаммадиев кўчаси, 64-«А» уй. Мурожаат учун телефон: (+99895) 404-44-78.** **Гувоҳнома № 004059.**

*Фармацевтик фаолият билан шуғулланувчи ишлаб чиқарувчи корхоналар, фирма ва компаниялар диққатига!*

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШҚАРМАСИ**

**қишлоқ врачлик пунктлари учун зарурий дори воситалари, тиббий буюмлар ва реактивларни марказлашган ҳолда сотиб олиш учун такроран тендер (танлов) савдолари эълон қилади.**

Тендер(танлов)да қўйиладиган шартларни бажарган, тендер асосида харид қилинадиган маҳсулотнинг тегишли ҳажмларини етказиб бериш тажрибасига эга бўлган фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ва улгуржи ташкилотлар қатнашишлари мумкин.

Мамлакатимиз корхоналари ишлаб чиқарувчилари учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан, нарх преференциялари берилади.

**Тендер комиссияси ишчи органининг номи ва манзили:**

Навоий вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси, 210100, Навоий шаҳри, Толстой кўчаси, 18-«А» уй. Телефонлар: (8-436) 225-12-24, 225-40-03.

Факс: (8-436) 770-21-48, 225-43-00.

Электрон почта: x.yuldashev@ssb.uz, navoi@ssb.uz

**Банк реквизитлари:**

СТИР: 200006144, ОКОНХ: 97400,

Республика Ғазначилиги СТИР: 201122919,
ҳ/р 23402000300100001010, Марказий банк,

Тошкент шаҳри, МФО: 00014, ш/ҳ/р:
400121860124017950100054021.

**Тендер (танлов) предмети.**

Дори воситалари, тиббий буюмлар ва реактивлар харид қилинаётган маҳсулотларнинг энг юқори (максимал) нархи ва тўлов шартлари тендер ҳужжатларида акс эттирилади.

**Етказиб бериш шартлари.**

**Барча етказиб берувчилар учун:** Навоий вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасига маҳсулотлар етказиб берилиши шарт.

**Етказиб бериш муддатлари** тендер савдолари ва тендер ҳужжатлари бўйича маълумотларда акс эттирилади.

Тендер (танлов) бошлангунга қадар вилоят тендер комиссияси томонидан тендер савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгор фирма ва корхоналар малакавий танловдан ўтказилади.

Тендер (танлов) ҳужжатларини сотиб олиш баҳоси 100 000 сўм ва закалат пули (тендер таклифи кафолати) миқдори шартнома миқдорига қараб 2 500 000 сўмдан 37 500 000 сўмгача. Тендер (танлов) ҳужжатлари ва закалат тўлови пул ўтказиш йўли билан Навоий вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади. Аввал тендерга ҳужжат тақдим этган 10 ташкилотга тендер ҳужжатлари нусхаси бепул берилади.

***Тендер (танлов) таклифларини қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 10 июль куни соат 17.00 гача.***

***Тендер (танлов) савдоси бўйича қўшимча маълумот олиш учун вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига мурожаат этиш мумкин.***

1002А/568

**«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК**



**ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.**

***(ҚҚС билан)***



**«Тошкент труба заводи» ҚК сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича** Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

*Қувурлар X42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади.*
*Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.*

**Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан.**

*2013 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.*

11R/109

**Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.**



# Улкан муваффақиятларнинг мустаҳкам пойдевори

*“Универсиада — 2013” спорт ўйинлари сабаб қоракўллик саксон ёшли спорт фахрийси Иноят Абдуллаев билан гурунглашиб қолдик. Отахон 18 ёшидаёқ Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб спорт усталиги талабини бажарган экан. Не-не полвонлар курагини ерга теккизиб, элда Иноят полвон бўлиб танилган.*

## ҒУРУР

— Президентимизнинг “Универсиада — 2013” спорт ўйинлари иштирокчиларига йўллаган табригини катта ҳаяжон билан тингладим, — дейди отахон. — Табрикдаги самимий сўзлар нафақат спортчи ёшлар, балки мен тенги кекса авлод вакилларига ҳам қарата айтилгандек туюлди. Шунда беихтиёр ёшлигим, ўтган асрнинг 50-йиллари ёдимга тушди. Ўша пайтларда қишлоғимиз тугул туманимиз марказида ҳам машғулот ўтказиш учун тузукроқ жой топа олмай сарсон бўлардик. Иложсизликдан қум устида курашардик. Ҳозиргидек халқаро талабларга мос заллар, кураш гиламлари қаёқда эди, дейсиз? Боз устига, ўша пайтларда мен каби спортга меҳр қўйган кўплаб тенгқурларимнинг халқаро майдонларга чиқишлари учун имконият бўлмаган.

Мустақиллик туфайли орзуларимиз ушалди. Биз кўрмаган, биз етолмаган марраларни фарзандларимиз забт этмоқдалар. Ёшларимиз жаҳон чемпионатлари, қитъа биринчиликлари, Олимпиада ўйинларида ғолиб ва совриндор бўлмоқдалар. Уларга чин дилдан ҳавасим келади. Шунда “Қанийди, ёшлигим қайтиб келса” дейман. Мана, азим шаҳримиз Бухорода ташкил этилган Универсиада мусобақаларини олиб кўринг. Улар бири-биридан кўркам, қулай, шинам спорт мажмуаларида ташкил этилди. Бу муҳташам иншоотлардаги имкониятларни кўриб, ҳайратга тушдим. Илоҳим, шу эзгу ишлар бошида турган Юртбошимиз соғ-омон бўлсинлар.

**Дарҳақиқат, “Универсиада — 2013” спорт ўйинлари ўтказилиши муносабати билан Бухоро вилоятида жуда катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари бажарилди. Қурилиш, реконструкция ва ободонлаштириш юмушлари учун қарийб**

**93,5**

**миллиард сўм сарфланди.**

— Амалга оширилган бунёдкорлик ишларига ўз ҳиссамизни қўшганимиздан бениҳоя мамнунмиз, — дейди Бухородаги “20-трест” масъулияти чекланган жамияти қурувчиси Бобур Нарзуллаев. — Жамоамиз қурувчилари Бухоро давлат университетининг янги спорт залини бунёд этишди. Лойиҳа қиймати 1 миллиард 400 миллион сўмлик бу спорт иншооти барча қулайликларга эга. Жуда катта меҳнат эвазига қад ростлаган бу бино ҳам Универсиаданинг бошқа объектлари қатори ҳали узоқ йиллар спортсевар ёшларимиз учун хизмат қилади.

Зал ёнидаги йўлни шундоқ кесиб ўтсангиз, пештоқида “Ҳумо” дея ёзилган бинога кўзингиз тушади. Универсиада кунлари ушбу маскан кураш ихлосмандлари билан гавжум бўлди. Мусобақа дастуридан ўрин олган кураш, белбоғли кураш, дзюдо беллашувлари айнан шу ерда ўтказилди.

— Алпқомат, вужудидан куч-ғайрат ёғилиб турган ёшларни кўриб, Ўзбекистонимиз полвонлар юрти эканини юрак-юракдан ҳис этдим, — дейди “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими раиси Юсуф Қурбонов. — Улар жаҳон миқёсидаги мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётган Ришод Собиров, Дилшод Мансуров, Аббос Атоев сингари машҳур спортчиларимизнинг муносиб издошлари эканига яна бир карра амин бўлдик.

Яхши ният — ярим давлат, дейди халқимиз. Зеро, эзгу ниятлар билан яшашга не етсин?! Юртимизда жорий этилган уч босқичли спорт ўйинлари — “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, Универсиада мусобақалари ҳам олижаноб мақсадлар, эзгу амаллар самарасидир. Бу хайрли ишлар меваси бениҳоя тотли. Чунки бугун Ўзбекистон байроғини халқаро ареналарда баланд кўтараётган кўплаб маҳоратли ёшларимизнинг катта спортга дадил кириб боришларида бу мусобақалар ўрни ва аҳамияти бекиёсдир. Улар эришаётган муваффақиятлар кўнглимизни фахр-ифтихор туйғусига тўлдирмоқда, ғуруримизга ғурур қўшмоқда.

— Аслида дзюдо билан шуғулланаман, — дейди Урганч давлат университети талабаси, Хоразм вилояти терма жамоаси аъзоси Шаҳиддин Бобожонов. — Универсиада мусобақаларида белбоғли кураш бўйича иштирок этдим. Беллашувлар кучли рақобат остида ўтди. Рақибларимиз ҳам пухта тайёргарлик кўрган экан. Юз килограмм вазн тоифасида учинчи ўринни эгалладим. Бу баҳслар орқали маҳоратимни ошириш имкониятига ҳам эга бўлдим. Камчиликларимни билиб олдим. Булар келгусида менга жуда асқотади, деб ўйлайман. Чунки ўз олдимга катта мақсадлар қўйганман. Тоққа чиққан чўққини кўзлар, дейишганидек, дзюдо бўйича Ришод Собиров эришган натижаларни қўлга киритишни мақсад қилганман.

Дарвоқе, Универсиада кунларида Ўзбекистон кураш федерацияси Бош котиби Тўлқин Рўзиев билан суҳбатлашиб қолдик. Барча спорт турлари федерациялари мутасаддилари қатори у ҳам нуфузли мусобақага таклиф этилган экан.

— Бундан кўзланган асосий мақсад, тегишли ташкилотлар билан ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида ишлаб, мамлакатимизда жорий этилган уч босқичли спорт тизимининг ўзаро боғлиқлигини таъминлашдан иборат, — дейди Тўлқин Рўзиев. — Шу жараёнда мамлакат терма жамоасига номзод спортчиларнинг салоҳияти, дунёқараши, қизиқишларини ўзига хос мониторингдан ўтказдик. Негаки, халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш спортчидан жуда катта масъулият талаб этади. Қувончлиси, биз бу ерда келгусида юртимиз донғини дунёга ёйишга, Ватанимиз байроғини баланд кўтаришга қодир кўплаб спортчиларни кашф этдик. Масалан, андижонлик Акмал Равшанов 100 килограмм вазнли курашчилар баҳсида қатнашиб, фахрли учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Самарқандлик Бектош Сафаров ҳам ўз вазн тоифасида кучли полвонлардан устун келиб, Универсиада олтин медалини қўлга киритди. Шу иккала полвон ҳам ўз вақтида “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” мусобақаларида иштирок этишган. Тошкент шаҳри вакили Муҳсин Ҳисомиддиновнинг ҳам ўз вазн тоифасида шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилгани терма жамоа учун муносиб номзодлар етишиб чиқаётганидан далолатдир. Қолаверса, бу яхши маънодаги рақобатни ҳам кучайтиради.

Эътиборлиси, Универсиадада нафақат кураш, балки мусобақалар дастуридан ўрин олган сузиш, енгил атлетика, шахмат, стол тенниси, теннис, баскетбол, волейбол, қўл тўпи, футбол беллашувлари ҳам муросасиз курашлар остида ўтиб, азму шижоат ва қатъият синовига айланди. Шу баҳсларда ажойиб натижа қайд этган талаба-ёшлардан бири сурхондарёлик Райҳона Дониёровадир.

— Бухоро шаҳрида ўтган “Универсиада — 2013” мусобақалари мен учун бир умр ёдда қолади, — дейди Райҳона. — Очиғи, шахмат баҳслари бошланишига саноқли кунлар қолганида мени бир оз ҳаяжон босди. “Бу ерда мамлакатимизнинг таниқли шахматчилари жамланишади. Улар билан тенгма-тенг кураша олармиканман”, деган хавотирда эдим. Аммо Президентимизнинг “Универсиада — 2013” спорт ўйинлари иштирокчиларига йўллаган табригини тинглаганимда енгил тортдим. Мени, айниқса, табрикдаги “...Бухоро заминида яшаб ўтган буюк аждодларимизнинг руҳи поклари сизларни қўллаб-қувватлайди” деган сўзлар тўлқинлантирди. Ишонч билан баҳсларга киришдим. Учрашувларнинг барчасини ғалаба билан якунлашга муваффақ бўлдим. Хусусан, мамлакатимизнинг таниқли шахматчиларидан саналган Ҳулкар Тоҳиржонова ва Нодира Нодиржонова устидан ғалаба қозониб, олтин медални қўлга киритдим.

Ҳақиқатан ҳам, спорт ана шундай ҳаяжонли лаҳзалар, зафарли онлару аламли мағлубият дамлари билан ҳам қизиқарли, жозибали ва сирлидир. Буни, албатта, спортни ўз ҳаёти мазмуни, деб билган кишиларгина чуқур ва теран англашади. Мақоламиз бошида ана шундай инсонлардан бири Иноят отанинг сўзларини келтирган эдик. Полвонлик қон-қонига сингиб кетган отахон истиқомат қилаётган туманда бир пайтлар оддий бир спорт залини кундузи чироқ ёқиб топа олмасдингиз. Ҳозир отахон яшаб турган Бобо Самосий қишлоғининг ўзида кўрса ҳавас қилгулик кураш зали бор. У Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан зарур жиҳозлар билан таъминланган. Айни пайтда бу масканда 45 нафар қишлоқ боласи кураш билан мунтазам шуғулланмоқда. Улар орасида Иноят отанинг невараси Нуриддин ҳам бор. “Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди” деганларидек, отахоннинг ундан умиди катта. Чунки фурсати етиб Нуриддиннинг ҳам олий ўқув юртида ўқишига, Универсиада мусобақаларида иштирок этишига қаттиқ ишонади.

...Дарахт илдизи билан тирик. Ниҳоллар ҳам чинорларга қараб қад ростлайди. Ўзбекистоннинг таянчи ва суянчи эса ҳар томонлама баркамол авлод саналади. Улар эришадиган ҳар бир юксак марралар Ўзбекистонимизнинг нуфузига нуфуз, обрўсига обрў қўшаверади.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Маданият хабарлари



### Майдон томошалари

***Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида майдон томошалари санъати республика телефестивали бўлиб ўтди.***

Сўнгги йилларда республика миқёсида ўтказилаётган “Барҳаёт анъаналар”, “Мерос”, “Кўҳна замин оҳанглари” сингари кўрик-танловлар, миллий ўйин, томоша фестиваллари мусиқа санъати ва фольклор йўналишларидаги бадиий ҳаваскорлик жамоаларини қўллаб-қувватлаш, ёшлар маънавиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Бинобарин, майдон томошалари санъати фестивалидан кўзланган мақсад ҳам маънавий бойликларимиз қаторидан ўрин олган халқ ўйинлари, дорбозлик ва қўғирчоқбозлик санъати ривожланиши ва янги манбалар билан бойитилишига ҳисса қўшишдир. Фестивалнинг Алишер Навоий номидаги Миллий боғда бўлиб ўтган якунловчи босқичида қирққа яқин дорбозлар гуруҳи, миллий соз, полвонлик санъати ва бошқа йўналишларда фаолият юритувчи жамоалар ўз иқтидорларини намойиш этдилар.

Иштирокчилар ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари, диплом ҳамда махсус гувоҳномалари билан тақдирланишди. Тадбир доирасида Республика “Ҳунарманд” уюшмаси аъзоларининг ижодий ишлари кўргазмаси ҳам ўтказилди.

**Гўзал РАҲМОНОВА.**

### Илҳом дунёси

***Обод турмуш йилига бағишлаб Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан Термиз археология музейида “Илҳом дунёси” деб номланган кўргазма ташкил этилди.***

Унда ўтган аср ва мустақиллик йиллари юртимизда тасвирий санъат ривожига муносиб ҳисса қўшган таниқли рассомларнинг асарлари намойиш қилинди. Хусусан, кўргазмада Ўрол Тансиқбоев, Чингиз Ахмаров, Рўзи Чориев, Баҳодир Жалолов, Владимир Бурмакин, Йигитали Турсунназаров, Татьяна Ли каби таниқли рассомларнинг асарлари кенг ўрин олган.

Кўргазма доирасида таниқли мусаввирлар ва соҳа мутахассислари билан учрашувлар ҳамда маҳорат сабоқларини ўтказиш кўзда тутилган.

**Саодат УСМОНОВА.**

## «КЕЛАЖАК ОВОЗИ — 2013»

*Андижонда анъанавий “Келажак овози” танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.*

*Тадбир давомида турли соҳалар бўйича туман ва шаҳарларда ташкил этилган ижодий беллашувларда ғолибликни қўлга киритган юзлаб ёшлар ўзларининг билим ҳамда маҳоратларини кўрсатдилар.*

# Иқтидорлилар сараланди

Хусусан, 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган йигит-қизлар “Ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлари, техник ишланмалар”, “Анъанавий амалий санъат”, “Архитектура ва дизайн” ҳамда “Бадиий ижод ва публицистика” номинациялари бўйича синовдан ўтдилар.

— Мазкур танлов биз, ёшларни янгидан-янги ташаббуслар билан чиқишимизда муҳим аҳамият касб этаётир, — дейди Андижон саноат педагогика коллежи ўқувчиси Розия Мамасиддиқова. — Коллежимизда ўз йўналишимиздан ташқари қўшимча ҳунарларни эгаллашимизга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мен бошланғич таълим, тарбиявий ишлар ташкилотчиси йўналиши бўйича таҳсил олиш билан бирга, тикувчиликка қизиқиб, шу ҳунарни эгалладим. Коллежни битириш арафасида тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиб, фаолиятимни бошладим. Попоп гулларни замонавий, янгича услубда истеъмолга олиб чиқишга интилаяпман.

Ёшларнинг ўзига хос байрамига айланган мазкур танловда ўнлаб истеъдодлар кашф этилди ва улар орасидан 45 нафар истеъдод соҳиби республика босқичига йўлланма олди.

**Ш. ОДИЛЖОНОВ.**

**ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!**

## «ЖУРНАЛИСТИКА — ИЖОДИЙ ФАН»

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорликда журналистика ва ахборот соҳаларида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг илмий асосларини янада такомиллаштириш, юксак савияда илмий-амалий фаолият кўрсатаётган мутахассисларни рағбатлантириш, соҳанинг назарий ва амалий йўналишларини ривожлантириш, журналистлар ва талабаларда илмий ва ижодий салоҳиятни шакллантириш ҳамда соҳа кадрларининг малакаси ва маҳоратини ошириш мақсадида «Журналистика — ижодий фан» танловини ўтказади.

**Мазкур танлов йўналишлари қуйидагича:**

- журналистика ва ахборот соҳаларининг фундаментал ва илмий-амалий асосларини ривожлантириш бўйича энг яхши илмий тадқиқот иши;
- журналистика соҳасида тайёрланган энг яхши илмий асар, ўқув-услубий адабиёт ва илмий-амалий-таҳлилий мақола ҳамда соҳанинг амалий-ижодий йўналишлари бўйича материал;
- ОАВ учун кадрлар тайёрлаш ва журналистларнинг малакасини оширишда салмоқли ютуқларга эришган намунали маҳорат мактаби, ижодий марказ ва ўқув лаборатория раҳбари;
- журналистика ва ахборот соҳалари бўйича энг яхши магистрлик иши муаллифи ва илмий раҳбари.

Танловга журналистика ва ахборот соҳаларида 2012-2013 йилларда нашр этилган илмий асарлар, ўқув-услубий адабиётлар, илмий-таҳлилий мақолалар, магистрлик диссертациялари ва бошқа тегишли материаллар 2013 йилнинг 1 ноябригача ташкилий қўмита томонидан ҳар хафта чоршанба куни соат 15.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.

**Танловга тегишли ташкилотлар томонидан тавсия этилган ишлар йўлланма хати билан қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган ҳолда тақдим этилади (йўлланма хатда муаллифлар ва уларнинг ижодий фаолияти тўғрисида ҳам маълумот берилиши лозим):**

- танловда кўриб чиқиш учун тавсия этилаётган материал(лар);
- муаллиф(лар) ва у(лар)нинг илмий раҳбар(лар)и паспорт нусхаси.

Танлов ғолиблари ва совриндорларини тақдирлаш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллиги арафасида амалга оширилиб, уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

**Танловга тақдим этилаётган ишлар «Журналистика — ижодий фан» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга топширилиши лозим: *100047, Тошкент шаҳри, Я. Ғуломов кўчаси, 70-уй, 5-хона. Телефон: (8-371) 233-79-23.***

1004А/574

● Реклама ва эълонлар ●










Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви ва аъзолари “Нодавлат телекомпаниялари телетармоғи” МЧЖ тижорат бўлими раҳбари Илҳом Алимовга падари бузруквори

**АБДУҲАКИМ отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси Транспорт воситаларининг эксплуатацион материаллари кафедраси катта ўқитувчиси

**Баҳодир Сайдаминович ТИЛЛАХОДЖАЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети раҳбарияти ва касаба уюшмаси қўмитаси Факультетлараро роман тиллари кафедраси ўқитувчиси Шоҳиста Тоҳиржоновага волидаи муҳтарамаси

**МАХТУМА аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 654. 113 202 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 03.15 Топширилди — 03.25 1 2 3 4 5